



ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЖАБРАНУВЧИГА ТАЪСИРИ ВА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА МАСАЛАЛАРИ.

**Мурадов Суннатулло
Абдурасулович**

*Термиз давлат университети иккинчи ОТМ
Юриспруденция 125-гуруҳ талабаси
e-mail: murodovsunnat232@gmail.com*

Аннотация: Мазкур мақолада ўғирлик жиноятининг нафақат моддий, балки жабранувчининг руҳий ҳолатига салбий таъсири таҳлил қилинади.

Шунингдек, мамлакатимизда ўғирлик жиноятини олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ушбу жиноятга мойил шахслар билан ишлаш механизмлари ёритиб берилган шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда виқтимологик профилактиканинг аҳамияти ва фуқароларда "эҳтиёткорлик маданияти"ни шакллантириш, жабранувчининг хулқ-атвори ва жиноятнинг содир этилиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *Виктимология, ўғирлик, профилактика, жабранувчи, психологик травма, хавфсизлик маданияти, мулк дахлсизлиги.*

Давлатимизда жиноятчиликка қарши самарали **курашиш**, ҳуқуқбузарликларнинг **олдини олиш**, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли **ҳимоя қилиш** борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган.

Иқтисодиёт соҳасида кенг ёйилган жиноят бу ўғирликдир. Ўғирлик содир этилиш усули жиҳатидан талон-торож қилишнинг шакллари ичида энг хавфсизроғи деб кўрилиши мумкин, чунки ўғирликда жисмоний ва руҳий таъсир этиш қўлланилмайди, жиноятчи уни содир этишда ўзидаги мавжуд ваколатлардан ҳамда мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланмайди. Айбдор қонунга хилоф ва яширин равишда, (бошқа шахслардан яширин ҳолда) мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкни ўзлаштиради ва уни ўзиники каби тасарруф этади. Аммо ўғрилик, статистикага мувофиқ, ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг кенг тарқалган усулидир шу сабабдан ижтимоий хавфлилиги юқори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарорида ўғриликка қуйидагича тариф берилган:

“Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади. Бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим”-деб кўрсатиб ўтилган¹.

Ўғрилик жиноятида объект ўзганинг мулки. Объектив томони ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланади.

Жиноятчи ўзгалар мулкани ўғрилик билан эгаллаган ва ундан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, ўғрилик жинояти тугалланган ҳисобланади.

Ўғрилик жиноятининг виктимологик профилактикасини 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг белгиланган талаблари асосида профилактика инспекторлари амалга оширади.

Ушбу қонуннинг 43-моддасида виктимологик профилактика тушунчасига “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир” деб тарифланган².

Шунингдек ушбу қонун билан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси **чора-тадбирлари** белгилаб берилган.

Сурхондарё вилоятида профилактика (катта) инспекторлари томонидан 2026 йилнинг I-чораги давомида ижтимоий профилактика объекти сифатида аниқланган 34 минг 198 та хулосалар берилиб, олиб борилган ижтимоий профилактика тадбирлари натижасида, ушбу шахсларнинг 17 минг 708 таси (51.8 фоиз) бўйича қўшма хулосалар тузилиб, 20 минг 825 та турли хилдаги маиший ва ижтимоий муаммолари тизимли равишда ҳал этиб берилган.

Жумладан, вилоятда ишсиз ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган 1813 нафар шахсларнинг бандлиги таъминланди, 1208 нафарига профессионал ижтимоий хизмат кўрсатилди, 850 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди, 499 нафарига имтиёзли кредит ажратилди, 20 нафар вояга етмаганларга васий ёки ҳомий бириктирилди, 435 нафар хотин-қизларга химоя ордерлари берилди, 420 та оиланинг низолари бартараф этилди³.

Жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий стратегиясида нафақат жиноятчини топиш ва жазолаш, балки жиноят қурбонига айланиш хавфини камайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Криминологиянинг жабрланувчиларни ўрганувчи соҳаси — виктимология ўғирлик жиноятларининг олдини олишда янгича ёндашувларни таклиф этади.

Кўпинча ўғирлик фақат моддий зарар сифатида қаралнади. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жабрланувчилар учун руҳий изтироблар моддий йўқотишдан кўра оғирроқ бўлиши мумкин.

Инсоннинг энг хавфсиз макони — бу унинг уйи ёки шахсий худуди. Ўғри кирган уйда яшовчиларда "ўз уйимда ҳам хавф остидаман" деган доимий кўрқув шаклланади бу эса дахлсизлик ҳиссининг йўқолишига олиб келади

Жабрланувчиларда бегоналардан шубҳаланиш, уйқусизлик ва депрессия белгилари кузатилади. Айниқса, аёллар ва ёш болалар учун бу жараён узок вақт давом этадиган руҳий жароҳатга айланиши мумкин.

Жиноят қурбони бўлган шахс жамиятдаги хавфсизлик тизимларига, ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишончини йўқотиши, натижада ижтимоий фаоллиги пасайиши мумкин.

Виктимологик омиллар: Нима учун инсон "қурбон"га айланади?

Виктимологияда шахснинг жиноят қурбони бўлишга мойиллиги "виктимлик" деб аталади. Ўғирлик жиноятларида қурбоннинг қуйидаги хулқ-атворлари жиноятчига "йўл очиб беради":

Бепарволик ва лоқайдлик: Масалан, автомашина эшикларини очик қолдириш ёки хонадон калитини "одатий" жойларга (гилам тагига, пойабзал ичига) яшириш.

Ишонувчанлик: Ижтимоий муҳандислик ёки фирибгарлик орқали уйга бегоналарни киритиш.

Ўзини кўз-кўз қилиш: Ижтимоий тармоқларда қимматбаҳо буюмларни ёки узок муддатли саёҳатга чиқиш режаларини оммага эълон қилиш. Бу жиноятчилар учун бепул "**разведка**" маълумоти бўлиб хизмат қилади.

Виктимологик профилактиканинг устувор йўналишлари

Профилактика ишларини тизимли ташкил этиш учун қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш зарур:

1. Шахсий хавфсизлик маданиятини юксалтириш:

Фуқароларга ўз мулкани ҳимоя қилишнинг энг оддий ва самарали усулларини ўргатиш лозим. Бу фақат қулф сотиб олиш эмас, балки ахборот хавфсизлигига ҳам амал қилиш демакдир.

2. Техник ҳимоя воситаларини оммалаштириш:

Замонавий видеокузатув тизимлари ва "ақлли уй" технологиялари нафақат жиноятни фош этишга, балки жиноятчини психологик тўхтатиб қолишга (детерминация) хизмат қилади.

3. Жамоатчилик назоратини кучайтириш:

"Қўшнимнинг мулки — менинг мулким" тамойили асосида маҳаллаларда ўзаро хушёрликни ошириш. Бегона ва шубҳали шахслар ҳақида ўз вақтида хабар бериш тизимини соддалаштириш.

4. Мақсадли тарғибот:

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан муайян худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳалла фаоллари, тегишлича «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, диний уламолар, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари билан ҳамкорликда жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича тадбирлар уюштириб, жиноятга мойил шахсларнинг хонадонларига маҳаллий ҳокимият, диний уламолар, психологлар ва шу каби мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда мутахассислар билан биргаликда ташриф буюрган ҳолда

уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ижтимоий ҳаётга мослашишларига кўмаклашиш чораларини кўриш;

Хулоса:

Хулоса қилиб айтганда, ўғирлик жиноятларига қарши курашишда виқтимологик профилактика энг кам харажатли, аммо энг самарали усуллардан биридир. Жабрланувчининг руҳий ҳолатини тиклаш ва унинг қайта жиноят қурбони бўлишининг олдини олиш жамиятдаги умумий осойишталикни таъминлайди. Жиноятчиликка қарши фақат жазо чоралари билан эмас, балки ҳар бир фуқарода "эҳтиёткорлик маданияти"ни шакллантириш орқали эришиш мумкин.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
3. Илмий мақолалар ва таҳлилий материаллар (виқтимологик профилактика ва ўғирлик жиноятига қарши кураш мавзусида)
4. Lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори
6. 1- <https://lex.uz/docs/7469894>, 2 - <https://www.lex.uz/ru/docs/2387357>, 3 - <https://www.in-academy.uz/index.php/ZDIF/article/view/39749>